



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 76 (11.137)



Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар



**ИҚТИСОДИЁТИМИЗ
РИВОЖИДА, СИФАТЛИ
ВА РАҚОБАТБАРДОШ
МАҲСУЛОТЛАРНИНГ
КЎПАЙИШИДА,
ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИНГ
ОРТИШИДА ХОРИЖИЙ
ШЕРИКЛАР БИЛАН
ҲАМКОРЛИКДА
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
КЎШМА
КОРХОНАЛАРНИНГ
ҲИССАСИ КАТТА
БЎЛМОҚДА. ЭНГ
МУҲИМИ ЭСА ЙИЛ
САЙИН УЛАРНИНГ
САФИ ОРТИБ, ИМПОРТ
ЎРНИНИ БОСУВЧИ
ҲАМДА ЭКСПОРТБОП
МАҲСУЛОТЛАР
ТУРЛАРИ БИЛАН ИЧКИ
ВА ТАШҚИ БОЗОРДА
ЎРНИНИ ТОПМОҚДА.**

Кўшма корхоналарда



САМАРАДОРЛИК ОРТМОҚДА

Чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳалардан бири «ORIENT MEBEL» кўшма корхонасидир. Мамлакатимиз ва Кипр давлати тадбиркорлари ҳамкорлигининг амалдаги ифодаси бўлган ушбу корхонанинг иш бошлаганига 4 йил бўлди. 190 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган кўшма корхонада Россия, Польша, Италия давлатларидан келтирилган технологик линиялар қувватидан самарали фойдаланган ҳолда замонавий ошхона мебеллари ҳамда эшиклар ишлаб чиқарилмоқда. Илғор технологиялар асосида тайёрланаётган турли ҳажм ва дизайндаги мебель маҳсулотларининг харидорлари сафи ортиб бормоқда, бунинг асосий боиси товарларнинг юқори сифати, мустаҳкамлиги ва рақобатбардорлигидир.

Маркетинг бўлими мутахассислари нафақат ички, балки ташқи бозорни ҳам ўрганишмоқда. Бу, албатта, асосий мақсадимиз — экспортни йўлга қўйишимизда катта аҳамият касб этади. Республикаимизда ўтказилаётган халқаро ярмаркалардаги иштирокимиз эса фойдали шартномалар тузишда, ҳамкорлар топишда ёрдам бермоқда.

Тадбиркорлар ўтган йилда 6,5 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаган бўлса, жорий йилда имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда оқоридидаги кўрсаткичи 8-10 миллиард сўмга етказишни кўзда тутишмоқда. Албатта, ошхона мебелларининг харидорлиги турларини ҳам ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шунингдек, ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида кўшимча ишчи ўринлари яратиш, меҳнат аҳлига янада яхши меҳнат ва дам олиш шартлари яратишга эришилди. Бу эса маҳсулот сифатию иш самарадорлигида ёрдам бермоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: мебелсозлар фаолияти кизгин паллада.

ЎЗА суратлари

ТИББИЙ ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

**ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ТИЗИМИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИДА "ЁШЛАР ЙИЛИ" ДАВЛАТ
ДАСТУРИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР, МАЛАКАЛИ,
БИЛИМЛИ, МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТЛИ АВЛОДНИ
КАМОЛГА ЕТКАЗИШ БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН
АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА "КАМОЛОТ" ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ БИЛАН
ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРДА ОЛИМЛАР, ПРОФЕССОР-
ЎҚИТУВИЛАР, МАЪНАВИЯТ-МАЪРИФАТ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ ВА
ЖУРНАЛИСТЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.**

Мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида, янги технологиялар асосида мукамал таълим бериш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ва шу асосда давлат дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётгани бундай хайрли ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт йўналишига ихтисослашган 10 та олий ўқув юрти, 72 касб-хунар коллежи ва 8 академик лицей фаолият юритмоқда. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, тиббий таълим тизими тубдан ислоҳ этилаётди. Соҳа таълим даргоҳларида қўлланиладиган янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди, шу асосда замонавий ўқув-услубий қўлланмалар яратилди. Тиббиёт олий ўқув юрлари ва коллежларда бугунги кун талабларига мос мутахассислар тайёрлаш тизими шакллантирилди.

— Аҳоли орасида профилактика ишлари самарасини ошириш, касалликларнинг олдини олиш ва диагностика

тизимини такомиллаштириш борасида тиббиёт олий ўқув юрларида умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш тизими йўлга қўйилгани ўз самараларини бераётди, — дейди Бухоро давлат тиббиёт институти проректори Қаҳрамон Турсунов. — Бизнинг институтида ҳар йили икки юз нафардан зиёд ана шундай мутахассис тайёрланади. Талабаларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, бўлажак шифокорларга жаҳон тиббиётининг энг илғор ютуқларини тўла ўргатиш учун барча шароит яратилган. Дарслар илғор педагогик технологиялар, интерфаол усулларда ташкил этилмоқда. Таълим жараёнида масофадан ўқитиш тизими имкониятидан тўла фойдаланилади.

Анжуманда бу борада "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган ишларни ҳаётга кенг татбиқ этиш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, иқтидорли, изланувчан, ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг салоҳиятини янада ривожлантиришга кўмаклашиш, талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, таълим ва тарбия жараёни узвийлигини таъминлаш борасидаги вазифалар юзасидан атрофлича фикрлашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

**МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН АФҒОНИСТОН ИСЛОМ
РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВА СУВ РЕСУРСЛАРИ ВАЗИРИ МУҲАММАД
ИСМОИЛХОН РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 21 АПРЕЛЬ КУНИ
«ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ РАИСИ БОТИР
ТЕШАБОВ БИЛАН УЧРАШДИ.**

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани, сўнгги йилларда йўлсозлик, кўприкسозлик каби йўналишлар қаторида энергетика соҳасидаги алоқалар ҳам фаоллашган, бунда давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Муҳаммад Исмоилхон Ўзбекистоннинг Афғонистондаги тикланиш ишларидаги фаол иштирокига юқори баҳо берар экан, Афғонистон халқи ўзаро ҳамкорликни юксак қадрлашини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида энергетика соҳасида ҳамкорлини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилиниб, бирлигида янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН — МИСР: ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ АМАЛДА

**МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ
БИЛАН ТЕХНИК ҲАМКОРЛИК ЖАМҒАРМАСИ БОШ КОТИБИ, ЭЛЧИ СОФИЯ ИБРОҲИМ АМИН
ЮРТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛДИ.**

София Иброҳим Амин хоним — Мисрнинг таърибли дипломатларидан ҳисобланади. У Қоҳира университетининг сиёсий фанлар ва иқтисодиёт факультетини тамомлаган. МАР Ташқи ишлар вазирилик тизимида 1976 йилдан бундан фойдаланиб келди. Мисрнинг Сурия, Руминия, Тунис, Болгария, Италиядаги элчихоналарида турли лавозимларда хизмат қилган. 2003-2007 йилларда София Иброҳим Амин хоним Мисрнинг Панамадаги, шунингдек, бир пайтинг ўзидан Никарагуа, Гаити, Коста-Рикадаги элчиси бўлган.

Шу ўринда Миср дипломатия тизимида хотин-қизларнинг нуфузи балоғат эканини қайд этиб ўтиш лозим. Хусусан, Миср Араб Республикасининг Тошкентдаги элчихонасига Нодия Иброҳим Кафодий хоним раҳбарлик қилади. Унинг ўринбосари, элчихона консули Жейлон Аббос хонимдир. Расмий маълумотларга кўра, МАР Ташқи ишлар вазирилик марказий аппарати ва хориждаги дипломатия ваколатхоналарида хотин-қизлар салкам 200 кишини ташкил этади. Уларнинг 40 нафари элчи дипломатик раңларига эга.

«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбат чоғида Амин хоним юртимизга ташрифидан қўзланган асосий мақсад Миср жамғармаси билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, икки томонлама дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш истиқболларини муҳокама қилишдан иборат бўлганини маълум қилди.

Мисрлик меҳмон Ташқи ишлар вазирилик, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирилик, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, шунингдек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент Ислоҳ университетидagi учрашувлари самарали ўтиб, ижобий натижаларга бой бўлганини алоҳида таъкидлади.

Дипломатнинг сўзларига кўра, бугунги кунда Ўзбекистон — Миср муносабатлари тобора юксалиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2007 йил 17-19 апрель кунлари Мисрга амалга оширган расмий ташрифи икки мамлакат ҳамкорлигини хар томонлама ривожлантириш учун янги туртки берди. Ташриф давомида эришилган келишувлар бугун муваффақиятли равишда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Тошкент билан Қоҳира ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновининг йўлга қўйилгани фикримизнинг яққол далилидир. Бунинг натижаси ўларок, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, иқтисодиёт ва сайёҳлик соҳаларидаги алмашинувларни кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароит юзага келмоқда.

София Амин хонимнинг қайд этишича, 1992 йилда тузилган ушбу жамғарма Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. 1993 йилдан бошлаб жамғарма йўналиши орқали 900дан зиёд юртдошимиз Мисрда иқтисодиёт, дипломатия, менежмент, маркетинг, сайёҳлик, халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа соҳаларда малака ошириш курсларида ўқиб қайтди. Жамғарма раҳбарияти жорий йилда ҳам ўзбекистонлик мутахассислар учун бир неча махсус курс ташкил этишни кўзда тутган.

(Давоми 2-бетда).

Кеча сатрларда

- **БУГУН** Ҳамза туманида Ёшлар йилига бағишлаб туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Биз мустақил юрт аатан-парварлари» деб номланди.
- **ЎТГАН** кун Юнусобод туманидаги 271-мактабда, Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабда уюштирилган «Оталар мажлиси» тадбирларида бола тарбиясининг шаклланишида отанинги ўрни ҳақида сўз борди.
- **КЕЧАДАН** Ўзбекистон Бадий академиясида «Санъат ҳафталиги» фестивали бошланди.
- **ТОШКЕНТ** иссиқлик электр станциясини ёнғиндан муҳофаза қилувчи 15-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги бўлимига замонавий технологиялар келтирилди.
- **КЕЧА** Шахримизда «Ўзвотсаноят» давлат акци-

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЖАҲОНДА

- Парагвай президентлигига бўлиб ўтган сайловда собик католик епископи Фернандо Луго 39,2 фоиз овоз тўплаган ҳолда ғолиб чиқди. Унинг асосий рақиби — «Колорадо» партияси вакили Бланка Оливар 32,6 фоиз овоз олди. Луго 1947 йилдан бундан «Колорадо» партиясига мансуб бўлмаган биринчи президентдир.
- БМТ Хавфсизлик Кенгаши Абхазиядаги вазият юзасидан эртага шошилинч йиғилиш ўтказишга қарор қилди.
- Кеча Россия ва Грузия президентлари ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Унда Абхазия ва Жанубий Осетия масалалари, Абхазия ҳудудида Грузиянинг учувчиси самолёти учирлиши тўғрисида сўз борди.
- Кеча Сочига илк бор Халқаро Олимпия Кўмитаси мутахассислари ташриф буюришди. Улар Сочиди 2014 йилги ёзги Олимпиадага тайёргарлик ишлари қандай бораётгани билан батафсил танишишда ҳамда ушбу шаҳарнинг Олимпиадага тайёргарлиги юзасидан маъруза тайёрлашди.
- Кеча Ғазо секторида Исроил ҳарбийлари томонидан учта жангари йўқ қилинди.
- Хитойнинг жанубий қисмидаги бир неча провинция «Ногури» номли тўфондан жабрланди. Хусусан, соатига 108 километр тезликда келиб урилган ушбу тўфон оқибатида Гуандун провинциясига жиддий зарар етган. Кучли сув тошқинлари қуршовида қолган бир неча шаҳар ҳудудларидан 10 минглаб аҳоли эвакуация қилинган. Аэропорт, темир йўл ҳаракатлари тўхтатилган.
- Нью-Йорк савдо бозорида нефть нархи яна рекорд кўрсаткичга етди. Яъни бир баррел нефтининг баҳоси 117 АҚШ доллари даражасига қикди. Мутахассисларнинг фикрича, нефть нархининг бундай ошишига Нигериядаги ёнилғи етказиб бериш корхонасига жангариларнинг ҳужум уюштиригани сабаб бўлди.
- Кеча Грециянинг Пирей портида иккита йўловчи кемаси ўзаро тўқнашиб кетди. Таъкидлаш жоизки, тўқнашув натижасида ҳеч ким жабрланмади.
- Францияда радиотерапия учун мўлжалланган аппаратнинг нотўғри ишлаганилиги оқибатида бир неча йил давомида 5 мингдан ортиқ бемор кучли радиация олган. Беморларнинг бештаси ҳаётдан қўз юмган. Нотўғри даволанишдан жабрланган барча беморларга тегишли тартибда тоvon пули тўланади.
- Иорданияда «F-16» русумидаги қирувчи самолётнинг ҳалокатга учраши оқибатида учувчи ҳалок бўлган. Маълумотларга кўра, мамлакат Қироллик ҳарбий ҳаво кучларига қарашли маъмур самолёт учини машқларини амалга ошираётган пайтда ҳалокатга юз тутган.

2008 — ЁШЛАР ЙИЛИ

“Ёшлик” талабалар шаҳарчасида Республикада энг нуфузли Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райхон Бериунин номидаги Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси, бундан ташқари Тошкент Маданият, Хизмат кўрсатиш ва сервис, С.Раҳимов Политехника, Тиббиёт коллежлари, Глизер номи Республика мусика академик лицейи ва юқорида номлари айтилган таълим муассасаларининг академик лицейлари ҳамда бир неча талаба олиштириш институтлари фаолият кўрсатмоқда. Тошкент Давлат юридик, Молия институтлари ўқув биноларининг бир қисми ва талабалар турар жойлари ҳамда Тошкент Давлат авиация ва Ўзбекистон Давлат Санъат институтлари талабалар турар жойлари жойлашган. Мухтасар қилиб айтганда, шаҳарча ҳудудидаги 24 та ўқув муассасаларида 45 мингга яқин талаба ва ўқувчилар таълим олмақдалар. 28000 дан зиёд республикадаги ҳудудларидан келган ёшлардан 10000 дан ортиқроқ талаба-ўқувчилар 15 та таълим муассасаларига тегишли бўлган 38 та талабалар турар жойларида истиқомат қиладилар. Шу билан бирга 5 та ўрта мактабда 8000 га яқин ўқувчилар таълим олмақдалар, 8 та мактабга таълим муассасаларида 1500 нафарга яқин болалар тарбияланмоқдалар. Маҳаллаларда истиқомат қиладиган аҳолининг аксарият қисми Тошкент шаҳридаги олий ва ўрта махсус таълим ҳамда тиббиёт муассасаларида таълим берувчи ва хизмат қилувчи ходимлардир.

“Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ўқув муассасаларида жами 8600 тадан зиёд ишчи ходимлар фаолият кўрсатмоқдалар. Шу жумладан 3200 дан ортиги профессор-ўқитувчилардир. Улардан 18 нафари академик, 240 та профессор, 310 та фан докторлари, 674 та доцент ва 1194 нафари фан номзодларидир.

Шаҳарча ҳудудида Тиббиёт академияси қошидаги 1 ва 2-сонли Республика шифохоналари, Республика Урология маркази, Республика кўз касалликлари шифохонаси ва кўлаб тиббиёт муассасалари жойлашган.

Бир сўз билан айтганда, “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси Республикадаги энг катта кадрлар тайёрлайдиган ҳам илмий, ҳам тиббий йирик марказдир.

Бундан ташқари бугунги кунда мебель ишлаб чиқарувчи “Этиқод” ва “Хувайдо” хусусий фирмалари ҳам “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳудудида фаолият кўрсатади.

Талабаларга хизмат кўрсатувчи 2 та борзоча тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, хизмат кўрсатмоқда.

Шаҳарчадаги Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Давлат техника университети ҳудудларида стадион, спорт мажмуалари, теннис кортлари, волейбол ва баскетбол майдончалари қайта таъмирланиши билан бирга иккита гимнастика зали, белбоғли кураш зали, иккита ёпиқ сузиш ҳавзаси ва Тошкент Тиббиёт академияси ҳудудида 4000 кишига мўлжалланган стадион ҳам талабалар ихтиёрида.

Талабалар турар жойларида ўқиш ва яшаш учун барча қулайликлар яратилган. Талаба-ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини унумли ва самарали ўтказишлари ҳамда соғлом авлодни камол топтириш, уларга янада кенгроқ имкониятлар яратиш мақсадида талабалар турар жойларида компьютер ва интернет хоналари, кутубхона, ошхона, тренажёр, теннис, кураш ва бошқа йўналишлар бўйича спорт заллари ташкил этилган. Хар бир хонада икки нафар талаба истиқомат қилади. Бу ерда замонавий газ плиталари, кир ювиш ва қуриштириш машиналари, кийим дазмоллаш ва ювишиш хоналари мавжуд.

“Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда талаба-ёшларни Ватанга муҳаббат, фидойилик руҳида тарбиялаш ва баркамол инсон бўлиб етиштириш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, бўш вақтларини унумли ўтказишлари борасида мунтазам фаолият олиб бормоқда.

Жумладан, шаҳарча ҳокимлиги, туман прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳамда исломшунос олимлар билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ноахлоқий хатти-ҳаракатлар, наркотик моддаларини истеъмол қилиш, сажлаш ва тарқатишда воситачилик қилиш, терроризм ва диний экстремизм, уларнинг оғир оқибатлари тўғрисида кенгрок тушунтириш ишларини амалга ошириш мақсадида ҳафтанинг хар сешанба ва пайшанба кунлари хар бир талабалар турар жойлари ва таълим муассасаларида доимий равишда режа асосида ўтказилаётган учрашувлар эркин мулоқот, савол-жавоб тарзида бўлиб, унда талаба-ёшлар ўз фикрларини баён қилиш, ўзларини қизиқтирган саволларига ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ҳамда ҳокимият ходимларидан жавоб олиш имкониятига эгадирлар.

Бундан ташқари шаҳарчадаги умумий оқватланши масканларида “Тугилган кун”, “Диплом ҳимояси” ва бошқа оммавий тадбирларнинг имтиёзли равишда ўтказилишига шароит яратиш мақсадида шу жумладан таълим муассасаларининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда талабалар турар жойларида алоҳида оммавий тадбирлар ўтказиш хоналари ташкил этилган.

Талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи қайта кўриб чиқилиб, ўқув муассасалари ва жамоат ташкилотлари томонидан қулайтирилмоқда. Шу жумладан “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги томонидан талаба-ўқувчилар орасида стационар шартитда даволаниши керак бўлган беморларни Тошкент Тиббиёт академияси клиникаларида ҳўжалик ҳисобидан топишдан маблағлар ҳисобига бепул даволаш ва озик-овқат билан таъминлаш ишлари ҳал этилган.

Асосан талаба-ўқувчиларга 32-сонли талабалар поликлиникаси хизмат кўрсатади. Ушбу поликлиника тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий диагностика тиббиёт асбоб-ускуналар билан ھўжзеланди. Поликлиникада шифокорларнинг тунги навабчилик ташкил этилиб, “Тез ёрдам” хизмати йўлга қўйилган.

Барча ўқув муассасалари талабалари ўртасида волейбол, футбол, кураш, шахмат-шашка, енгил атлетика каби кўпқил спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил қилиб келинмоқда. Та-

никли спортчилар, маданият ва санъат ходимлари, ёзувчи ва журналистлар билан учрашув, давра суҳбатлари уюштирилмоқда. “Пахтакор” футбол жамоаси, “Туркистон”, “Тошкент оқоми”, “Маърифат”, “Оила ва жамият” газеталари “Ёшлик”, “Ёш куч” таҳририятлари ҳамда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ижодий гуруҳи билан ўтказилган учрашувлар шулар жумласидандир.

Шаҳарчада умумхалқ байрамларининг юқори савияда ўтказилишига, унда барча талабаларнинг фаол иштирок этишларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Қувонарли томони шундаки, Юртбошимизнинг ташаббуслари билан 2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги таълим муассасаларида таълим олаётган ва талабалар турар жойларида истиқомат қиладиган талаба-ёшларни янада ҳў-

тов номидаги театр, Ёш томошабинлар театри ҳамда Тошкент шахрига ташриф буюрган М.Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилояти мусикали драма театри, Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилояти мусикали драма театри, Аббос Бакиров номидаги Андижон шаҳар Ёшлар театри, Садриддин Айний номидаги Бухоро вилояти мусикали драма театри жамоалари томонидан яратилган турли саҳна асарлари талабаларга намойиш этилди.

Ҳафтанинг хар пайшанба кунлари шаҳарча ҳудудида жойлашган барча таълим муассасалари ва талабалар турар жойларида алоҳида жадал асосида шоир ва ёзувчилар билан “Ўзбекистон Ватаним меним” мавзусида учрашувлар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўлаб-қувватлаш бо-

Ез мавсуми давомида шаҳарча ҳудудида жойлашган маҳаллалардаги ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, спортга бўлган қизиқишларини янада орттириш ва спорт билан шуғулланишлариға имкониятлар яратиш мақсадида кўпгина маданий-маърифий ва спорт тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, “Мустақил юртинг баркамол ёшлари” спорт мусобақалари, “Маҳаллада оромгоҳ”, “Маҳалла” кўнига бағишлаб “Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники” маданий тадбирлари, “Юртим жамоли – фаҳрим-ғурурим” шiori остида саёҳатлар уюштирилди. Фаол талабалар ташаббуслари билан ташкил этилган тикиш-бичиш, сарташроқлик, компьютер саводхонлиги, рус ва инглиз тили, тиббий саводхонлик курсларида шаҳарча ҳудудида жойлашган 9 та маҳаллаларда истиқомат қилувчи маҳалла ёшлари ўз билимларини оширишди. Ўтказилган тадбирларда ма-

иштирок этган шаҳарчадаги 9 та маҳалла оқоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, ёшлар билан иш олиб борувчи маслаҳатчилар бундай тадбирларни маҳаллалар бўйича ҳам ўтказиш юзасидан ўз тақлидларини билдирдилар. Бу каби рағбатлантиришлар талаба-ёшларни янги-янги режаларни амалга оширишига ундайди.

“Ёшлар йили”да “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси бўйлаб “Наврўз” умумхалқ байрамини кенг нишонлаш, талаба-ёшларнинг миллий ва умумбаъшарий маданиятга ва спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида шаҳарчада 21-22-23- март кунлари “ЁШЛАР САЙЛИ” байрам тадбирлари ва спорт мусобақалари, халқ ўйинлари бўлиб ўтди. Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан барча таълим муассасаларида ва талабалар турар жойларида ҳамда ташкилот ва муассасаларда режа асосида маданий-маърифий, спорт тадбирлари 15 мартдан 15 апрелга қадар ўтказилди. Байрам тадбирида “Ёшлар йили” муносабати билан таълим муассасаларида тахсил олувчи кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон талаба-ёшлар “Маҳалла” хайрия жамғармаси “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси бўлими томонидан рағбатлантирилди.

Фасллар келинчаги баҳор кунларида ўқувчи-қизларнинг ўз иқтидорларини, интеллектуал салоҳияти, ҳаётий тажрибаларини намойиш эта олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёшлар ўртасида соғлом рақобат тушулушини шакллантириш орқали ўз устида ишлашлари, ёшларбоп шаклдаги тадбирлар ўтказиш асосида уларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиш ҳамда жамоат ишларига кенгрок жалб қилиш, уларда ижтимоий фаоллиқни ошириш мақсадида “Ўзбекистон маликалари” кўрик-танлови ўтказилди.

2008 — Ёшлар йилида талаба-қизларнинг ўз истеъодларини намойиш этиш мақсадида ҳафтанинг жума кунлари “Дўғоналар бормисиз, омонимисиз...” деб номланган тадбирлари “Фудзияма” кафе-сидида бўлиб ўтмоқда.

“Ёшлик” талабалар шаҳарчасидаги фаол талаба-ёшларнинг тақлиф ва истақлари инобатга олиниб “Ёшлар йили” Давлат дастурида “Ёшлик” талабалар шаҳарчасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Ушбу дастур орқали мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш борасида талаба-ёшларга янги имкониятлар эшиги очилади.

Маълумки, ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада залворли қилиб қўювчи муҳим бир хусусият борки, у ҳам бўлса доимий янгиликка интилиш, излашнилардир. Ҳаётга ташналик, жўшқинлик, ғайрат-шижоат туфайли турмушимизга кириб келаётган хар бир янгиликни авваламбор ёшлар илғаб олишади. Уларни ўзлаштириш, жамият фойдасига хизмат қилдиришда ҳам ёшларимиз анча илдам ҳаракат қилишади.

Мухтарам Юртбошимизнинг яқинда қабул қилинган “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Карорининг эълон қилиниши барчамизни қувонтирди. “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси пойтахтимизнинг ажралмас қисми. Қолаверса, бу ерга келаётган ёшлар ҳаётининг маълум бир қисминини айнан Тошкент билан боғлашади. Шундай экан, Тошкентнинг 2200 йиллик тўйи талабалар учун ҳам муҳим сана ҳисобланади. Бу байрам муносабати билан “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги томонидан махсус чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унга қўра, талабалар ўртасида “Шаҳрим фаҳрим”, “Тошкентим тарихи”, “Тошкент шарқ дарвозаси”, “Тошкент менинг нигоҳимда” мавзуларида иншоолар танловини ўтказиш, Тошкент шаҳри бўйлаб талабаларнинг саёҳатлари, уларни тарихий обидлар билан таништириш режалаштирилган. Бу тадбирларнинг хар бири талабаларни мамлакатимиз пойтахти тарихи, унда мустаккил йилларида амалга оширилган ишлар, ўзгаришлар билан яқиндан таништириш имконини беради. Умуман олганда, Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан ўтказилиши режалаштирилган тадбирларимиз жуда ранг-баранг.

Президентимизнинг 2008 йил 9 апрелдаги “Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Карорининг эълон қилиниши мана шундай катта байрамда айни мудоа бўлди. Ўзбекистон Миллий университети нафақат шаҳарчамиз ҳаётида, балки мамлакатимиз илмий ҳаётида ҳам катта ўрин тутди. Ушбу санани муносиб қутуб олишига йўналтирилган ишларни ҳам бошлаб юборганмиз. Мақсадимиз, мамлакатимизнинг бош илм даргоҳида кўлга киритилаётган ютуқлар, унинг тарихи ва бугунини ёшлар ўртасида оммалаштиришдан иборат.

Икки улўз санани яъни, Юртбошимизнинг “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ва “Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Карорларининг ижросини таъминлаш борасида кўлаб ижобий ишларни амалга ошириш бошлаб юборилди.

Атрофимизни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш барчамизнинг бурчимиздир. Ҳудудни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида ўтган давр мобайнида 35 минг тупдан ортиқроқ игнабаргли дараклар, 10 минг тупга яқин манзарали ва мевали дараклар, шунингдек, 500 минг тупдан ортиқроқ бир йиллик ва кўп йиллик гул қўчалари ўтказилди. Шаҳарчадаги барча ташкилот ва муассасалар томонидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Ёшлар ўзида улкан бунёдкорликни жамлаган куч. Уларнинг мақсад ва интилишлари, талаб ва истақларини инобатга оласак, ушбу кунни ягона мақсад сари йўналтира оламиз.

Мухтасар қилиб айтганда, “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида талаба-ёшларнинг қомил инсон бўлиб етиштириш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Рўзимурат ЧОРИЕВ,
“Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокими.
СУРАТЛАРДА: “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳаётиндан лавҳалар



ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

“Ёшлик” талабалар шаҳарчаси тошкент шаҳрининг энг кўркам ва гўзал ҳудудларидан бирига айланди.




лантириб, уларни улкан мақсадлар сари ундади.

Жорий йилда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларга мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг аҳамияти тўғрисида кенгрок маълумот бериш мақсадида шаҳарчада жойлашган барча таълим муассасаларининг фаол талабалари иштирокида “Ёшларнинг сиёсий фаоллигини ва жамиятнинг демократлаштиришдаги ролини ошириш”, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштиришда ёшларнинг иштироки” мавзусида Республикада фаолият юритаётган сиёсий партия вакиллари билан давра суҳбатлари ҳамда Олий Мажлис Сенатига ташрифлар уюштирилди. Бундан ташқари “Ёшлик” талабалар шаҳарчасидаги талабалар турар жойлари талабалар кенгаши раислари ва фаол талаба-ёшларининг “Истеъдод” жамғармаси масофадаги ўқитиш марказида “Ёшларда раҳбарлик маҳорати” курси бўйича тахсил олиши ва шу йилнинг 30 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги анжуманлар залида сертификат топишириш маросими бўлиб ўтди.

Фақат ўтган 2007 йил мобайнида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги жамоат ташкилотлари ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликда талаба-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ёшларнинг хар томонлама етуқ, баркамол бўлиб етиштирилишига кўмаклашиш, мустаккил ва эркин фикрлашга ўргатиш, ўз иқтидорларини тўла намойиш эта олишлариға шароит яратиш мақсадида турли йўналишларда тадбирлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий йўл тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Карорининг амалда бажарилиши ҳамда талаба-ёшларни Ватанга муҳаббат, фидойилик руҳида тарбиялаш ва баркамол инсон бўлиб етиштирилиши, миллий санъатимизнинг энг яхши намуналари билан талаба-ёшларни яқиндан таништириш, мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларда оқиб борилаётган туб ислохотларнинг асл моҳияти ва самарали натижаларини машҳур санъаткорлар билан жонли мулоқотлар орқали ёшларга етказиш мақсадида хар ҳафтанинг жума кунлари алоҳида жадал асосида ижодий учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари Ўзбек Миллий академик драма театри, Мўқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикали драма театри, А.Ҳидоя-



расидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги 299-сонли қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва тиббий кўникмалар ҳосил қилиш юзасидан ҳафтанинг хар чоршанба кунлари тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари талаба-ёшларнинг конституциявий, ҳуқуқий билимларини, ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллиқларини янада ошириш мақсадида Тошкент Давлат юридик институти талаба-ёшлари билан ҳамкорликда “Биз ўз ҳуқуқларимизни биламиз” мавзусида олий таълим муассасалари ро кўрик-танлов ўтказилди.

“Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги барча олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва уларга қарашли талабалар турар жойларида маънавий-маърифий, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва ёш авлод ўртасида спортни янада оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини мустақамлаш, спорт орқали ирода, мадрлик ва матонат фазилатларини камол топтириш, спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш, талаба-ёшларни жиҳсоний тарбия ва спорт машғулотларига доимий жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини ривожлантириш борасида спорт йўналишларида кўлаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Айниқса, бутун Республикада аҳолисининг эътибори шаҳарчамизда ўтказилган “Универсиада — 2007” ўйинларига қаратилди. Ушбу спорт мусобақаларининг асосий қисми “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтди. Шаҳарчага ташриф буюрган Ўзбекистонлик олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талаба-ёшлар талабалар учун яратилган шароитлар, қўлайлик ва имкониятларини гувоҳи бўлиб, тенгдошлари билан мулоқот жараёнида ташкил этилаётган тадбирларни ўзларида ҳам уюштириш режасини тузишди.

Талаба-ёшлар онгига умуммиллий кадрятларни ҳамда Ватан ҳимояси энг олий туёғу эканлигини сингдириш, спортнинг оммавий ва миллий турларини кенг тарғиб этиш мақсадида “Ватан ҳимоячилари кунини” муносабати билан таълим муассасаларида таълим олувчи талаба-ёшлар ўртасида “Мардлар кўриқлари” Ватанимиз шiori остида спорт мусобақалари ўтказилди.

“Ёшлик” талабалар шаҳарчасида анъананага айланиб улгурган югуриш марафони биргина ўтган 2007 йилда 7 мартаба ўтказилди.

